УДК 821.512.133

“АЛИШЕР НАВОИЙ” РОМАНИДА ТАРИХИЙ ШАХС КОНЦЕПЦИЯСИ

С.Д. Қуронов

Мақолада Ойбекнинг “Навоий” ҳамда Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романларидаги тарихий шахс концепцияси шу асарлар ёзилган давр мафкураси, бадиий тафаккури нуқтаи назаридан ўрганилган. Ҳар икки ёзувчининг тарихий шахс сиймосини яратишдаги ўзига хос ифодаси ижодкорнинг бадиий-ғоявий мақсадидан келиб чиққан ҳолда қиёсий таҳлилга тортилган. Алишер Навоий ва унга замондош бўлган тарихий шахсларнинг бадиий талқинидаги хилмахилликлар юзасидан илмий хулосалар берилган.

Калит сўзлар: *тарихий роман, тарихий шахс, тўқима образ, тарихий шахс концепцияси, бадиий тафаккур, ижодий ғоя, бош қаҳрамон, навоийшунослик.*

В статье рассматривается концепция исторической личности в романах Ойбека «Навои» и Исаджана Султана «Алишер Навои» с точки зрения идеологии и художественного мышления периода написания этих произведений. Уникальный подход обоих писателей к созданию образа исторической личности подвергается сравнительному анализу, основанному на художественных и идеологических целях творца. Даны научные выводы о разнообразии художественной интерпретации Алишера Навои и его современников.

Ключевые слова: *исторический роман, историческая личность, вымышленный персонаж, концепция исторической личности, художественное мышление, творческая идея, главный герой, навоиведение.*

Роман ёзиш – машаққат. Тарихий роман ёзиш эса икки ҳисса машаққатдир. Зеро, бундай асарда романнавис тарихийлик тамойилларини маҳкам тутиши, ўзининг олам ва одам ҳақидаги бадиий концепциясини мавжуд тарихий воқеликка таянган ҳолда ифодалаши лозим. Албатта, бадиий ғоя талаби билан тарихий роман сюжетига тўқима образлар, тўқима воқелик ҳам киритилиши мумкин. Романда тўқима образ ва воқеалардан фойдаланишнинг аниқ чегараси, қатъий ўлчови бўлмаса-да, бу унсурларнинг меъёри тарихий асар савиясини белгиловчи асосий омил ҳисобланишини маҳоратли муаллиф яхши англайди. Шу боис доим тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима ўртасидаги олтин кўприкни излайди. Бу йўлда ёзувчи “тарихий манбаларни ўрганади, фактлар, воқеалар, уларнинг иштирокчилари ҳақида маълумотларни йиғади. Унинг эндиги вазифаси – ўрганганларини бадиий қайта ишлаш: бадиий воқеликда фактлар жонланиши, воқеалар юз бериши, шахслар яшаши лозим” [1. Б. 55]. Мазкур жараён тарихий асарда муаллиф ижодий имкониятларини маълум даражада чеклаши табиий. Агар роман миллатнинг улуғ сиймоларига бағишланган бўлса, ёзувчининг ижодий масъулияти бир неча каррага ортиб, тарихий асар ёзиш янада машаққатлироқ жараёнга айланади.

Забардаст ёзувчи Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романини ўқир экансиз, беихтиёр юқоридаги каби масалаларни мулоҳаза қиласиз. Чунки Ҳазрат Навоий нафақат ўзбек миллатининг, балки бутун туркий халқларнинг энг улуғ мутафаккирларидан бири. Навоийнинг шахси, ҳаёт йўли ҳамда ижоди кўп ва хўп ўрганилган. Шундай экан, Исажон Султон нима янгилик қила олди, салафларидан фарқли ўлароқ Навоий сиймосини қандай

тасвирлади деган савол, табиийки, биринчи ўринга чиқади.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, адабиётимиз тарихида Алишер Навоийнинг тўлақонли бадиий сиймосини яратишга бўлган уринишлар у қадар кўп эмас. Ойбекнинг “Навоий” романи (1944), Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмаси (1945), Омон Мухторнинг “Ишқ аҳли” романларида (2007) Алишер Навоий сиймоси тарихий-ижтимоий вақеалар марказида бадиий талқин этилади. Бу асарлар ичида Навоий шахсиятининг нисбатан тўлақонли, концептуал бадиий қиёфаси Ойбекнинг “Навоий” романида ифодаланган десак, мазкур асарнинг ёзилганига қарийб саксон йил бўлганини эътибордан қочирмаслигимиз лозим. Яъни ўтган саксон йил давомида ижтимоий шарт-шароит ҳам, тузум ҳам, адабий-эстетик қарашлар ҳам, ҳатто тарихнинг ўзи ҳам янгиланганини ҳисобга олишимиз зарур. Шундай экан, Исажон Султоннинг Алишер Навоий сиймосини қайтадан бадиий талқин этишга бўлган уринишига шунчаки шахсий ижодий эҳтиёж сифатида эмас, балки адабий-маданий ҳаётимизда етилиб келган умумэстетик эҳтиёжнинг меваси сифатида қараш ўринли бўлади.

Тарихий романда муаллиф (асосан) бош қаҳрамон тимсолида тарихий шахс концепциясини илгари суради. Яъни ижодкор оламни билиш йўлида ўз бадиий талқинидаги тарихий шахс руҳиятини тафтиш қилади, унинг мураккаб тақдирига назар солади. Шу тарихий шахс воситасида замон ва маконни ўрганади. Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, фалсафий қарашларини илгари суради. Демак, тарихий асарни баҳолашда ўтмишнинг қай даражада ҳаққоний жонлантирилгани эмас, балки мавжуд воқелик, тарихий шахс қай тарзда бадиий тафаккур қилингани ҳисобга олинади. Шу маънода Ойбек ва Исажон Султон романларининг ўзаро қиёсида ҳам икки адибнинг Алишер Навоий образи мисолида кўринадиган тарихий шахс концепцияси эътиборга олиниши зарур.

Ойбекнинг “Навоий” романи ҳақида сўз борганда муаллиф яшаган давр, шарт-шароит, цензура ва мафкура босимини назардан қочирмаслик лозим. Зеро, Ойбек даҳоси истаган тақдирида ҳам Навоийни ўз идеалидаги каби тасвирлай олмасди. Саналган омиллар таъсирида Ойбек кўпроқ Навоийнинг элпарварлик, камбағалпарварлик каби жиҳатларига эътибор қаратиб, тарихий шахснинг ижтимоийлашганига урғу беради. Адабиётшунос Матёқуб Қўшжонов “Навоий” романи ҳақида ёзаркан “Романда адибнинг асосий мақсади улуғ шоир Алишер Навоийнинг кенг ва кўламли ижодига хос инсонпарварлик ғояларини очиб беришдан иборат эди” [2. Б. 20] дея таъкидлайди. Озод Шарафиддинов ҳам айни масалада шунга яқин сўзларни ёзади: “Ойбек Навоий характерини яратар экан, биринчи навбатда, унинг буюк гуманист эканига, нафақат санъаткор, балки мутафаккир сифатидаги қарашларини ифодалашга алоҳида аҳамият беради” [3. Б. 3]. Чиндан ҳам Ойбекда Навоий инсонпарвар шоир ўлароқ халқнинг фаровонлиги, равнақи, тинчлиги йўлида тиним билмас фидокор шахс сифатида жонлантирилади. Тўғри, Навоий тарихан шундай сифатлардан ҳоли эмаслиги кундек равшан. Бироқ бу ўринда биз Ойбекнинг Навоий ҳаёти ва характеридаги айни шу жиҳатга урғу бераётгани, тарихий шахс концепциясида шуни биринчи ўринга олиб чиқишга уринганига эътиборни қаратмоқдамиз.

Яна бир етук адабиётшунос Наим Каримов Ойбекнинг тарихий шахс концепциясидаги айрим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратади: “Адиб адолатли шоҳ ва халқ, Навоий ва халқ, Навоий ва уруш, Навоий ва маданият тақдири, Навоий ва халқлар дўстлиги сингари масалаларни бадиий талқин этди ҳамда замондошлари учун муҳим, келгуси авлодлар учун эса ибратли бўлган ижтимоий-фалсафий қарашларини шоир образи орқали олға сурди” [4. Б. 65]. Бундан ташқари, романда Навоий – гуманист, қайсидир маънода халқ вакили ўлароқ, ўрта асрлар феодализмига зид қўйилади. Ойбекнинг ўзи романи ҳақида шундай ёзади: “Навоий” романида асосан у даврдаги социал ҳаётни, кучли интригаларни, мураккаб сиёсий воқеаларни акс эттиришга тиришдим” [5. Б. 203]. Адиб таъкидлага-

нидек, “Навоий” романида “кучли (сиёсий) интригалар” тасвирига алоҳида эътибор қаратилади. Бунда тўқима образлардан ҳам фойдаланилади. Ўз даврининг мафкуравий талаби нуқтаи назаридан ҳам Ойбек шундай қилиши, феодализмнинг бадкирдорлигини имкон қадар бўрттириб тасвирлаши зарур эди.

Тан олиб айтиш керак, омманинг Навоий ҳаёти, у яшаган давр ва унга замондош бўлган тарихий шахслар ҳақидаги тасаввурлари “Навоий” романи воситасида шаклланган. Сабаби, мазкур романга қадар ўзбек адабиётида Навоий ҳақида, умуман, ўрта асрлар феодализми ҳақида катта ҳажмли бадиий асар бўлмаган. Ойбекнинг бу романи Навоий даҳосини оммага олиб кириш, англатиш билан бирга, ўқувчини беш аср наридаги тарихий, сиёсий-ижтимоий ҳаёт билан ҳам таништирган. Бошқача айтганда, ўтган асрнинг 40-йилларида Ҳусайн Бойқаро, Жомий, Хадича бегим, Мажидиддин сингари тарихий шахсларни оммага ёзувчи Ойбек машҳур қилган. Бу тарихий шахслар ҳақидаги тасаввурларимиз ҳам Ойбек талқинида онгимизга муҳрланган. Энди сўнгги тадқиқотлар, аниқланган янги тарихий фактларга таяниб мазкур шахсларнинг тарихий бадиий қиёфасини қайта яратиш эҳтиёжи табиий равишда юза келган.

Исажон Султон юқорида қайд этилган эҳтиёжни ҳис қилган ҳолда Навоий образини бошқа ракурслардан туриб яратишга уринади. Айтиш мумкинки, Исажон Султон Навоий сиймосини яратишда Ойбек талқинига нисбатан зид йўлни танламайди, балки мафкура босими туфайли Ойбек Навоий образида ифодалай олмаган айрим қирраларни кўрсатиб беришга, мутафаккир сиймосининг нисбатан тўлақонли бадиий концепциясини яратишга уринади.

Исажон Султоннинг тарихий шахс концепциясида ҳам худди Ойбек каби Алишер Навоийнинг инсонпарварлик, элпарварлик, маърифатпарварлик каби фазилатларига алоҳида эътибор қаратилади. Бироқ мазкур жиҳатлар Исажон Султонда Навоий сиймосини яратишдаги бош омил эмас. Адиб “Алишер Навоий” романида кўпроқ мутафаккир шоирнинг ижодий-руҳий оламини тафтиш этишга ҳаракат қилган. Яъни Исажон Султонни ёзувчи сифатида Навоийнинг аслида ким бўлгани, унинг кечинмалари, маънавий дунёси, ўй-хаёллари, армони, шахс сифатидаги қадриятлари, иймони, ахлоқи кўпроқ қизиқтирган.

Янги романнинг ютуғи шундаки, адиб Навоий ҳаёти ва ижодини диний-эътиқодий нуқтаи назардан талқин қилишга, улуғ мутафаккирнинг ислом билан йўғрилган ахлоқи, ақидаси, тариқатдаги йўли ва мақоми, умуман, авлиёлик сифатларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, Исажон Султон навоийшуносликнинг сўнги тадқиқотларига, истиқлол йилларида аниқланган тарихий манбаларга асосланадики, бу ўз-ўзидан Навоий ҳаёти ва ижодининг том маънода замонавий бадиий талқинининг яралишига олиб келади.

Исажон Султон Навоий сиймосини яратар экан, у яшаган даврни, тарихий-ижтимоий муҳитни имкон қадар жонли тасаввур қилишга ва тассаввурини сўз воситасида аниқ ифодалашга уринади, “ёзмоқнинг моҳиятан тасаввурдаги ўқувчига гапирмоқ, ўқимоқ эса тасаввурдаги ёзувчини тингламоқ экани”ни доим ёдда тутади. У шу йўл билан буюк мутафаккирни шакллантириб берган ижтимоий, сиёсий, маданий-маърифий омилларни заргарона маҳорат билан териб чиқадики, натижада ўқувчи Навоий оламига осон кириб боради. Бу йўлда ёзувчи энг аввало тарихнинг ишонарли, жонли манзараларини яратади. Асарда Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг гўзал табиати, шаҳар, қишлоқ, овул, бозорлару гузарлар, султонлар саройию, оддий аҳоли уйлари, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари, иш қуроллари, ҳарбий қурол-аслаҳалар, хуллас, тарихни жонлантирувчи барча унсурлар ипидан-игнасигача маҳорат билан тасвирланган. Мутолаа жараёнида ўқувчи ўзини худди тарихга тушиб қолгандек ҳис қилади. Масалан, асар бошланишида Алишер Навоийнинг болалиги ўтган амир Ғиёсиддинбекнинг ташқи ҳовлиси мана бундай тасвирланади: *“Кенг тупроққўчадан тўғри келинса, узун, қалин пахса девор орасида кичик ёғоч эшик ва дарвоза кўринади. Эшикда темир ҳалқа ва кичик тўқмоқча бўлиб, келган киши эркак бўлса ҳалқани, хотин бўлса тўқмоқчани уради. Ҳовли гулу гулзор, мевали оғоч кўп. Чапда катта мураббаъ, яъни тўртбурчак*

ҳовуз кўринади. Яна уй ёнида кичикроқ қилиб қурилган обхона ҳам бор, сопол қувуридан жилдираб сув тушиб туради. Обхона ёнида очиқ ва ёпиқ ошхона, ошлиқхона, зерзамин, яъни ертўла. Зерзаминдаги катта сопол кўзалар ичидаги сув жазирама маҳали ҳам муздай бўлади. Унинг ёнбошида устию ичи сомон сувоқ билан сувалган пастак яхчол кўринади. Яхчол шуки, чуқур қазилган ертўла кузда сувга тўлдирилади, қишда у тубига қадар музлайди. Қалин деворлари ва серсомон сувоғи ертўлани жазирама иссиқда ҳам муздай тутиб туради, Ҳирийда ёзда муз бўлишининг сабаби шунда" [6. Б. 16]. Эътибор қилинса, биргина тасвир билан аҳолининг яшаш шарт-шароитлари, ахлоқи, технологик ютуқларига ишора берилмоқда. Ўқувчи асардаги бу каби тасвирлар воситасида Навоийнинг болалиги ўтган муҳитга тушиб боради. Бош қаҳрамонни унинг атрофидаги воқеликлар билан тўлақонли тасаввур этади.

Ойбекнинг "Навоий" романида воқеалар Навоийнинг 18 ёшда Самарқанддан Ҳиротга қайтиши билан бошланади: "Адиб "Навоий" романини ёзган вақтда "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун" достонлари муаллифининг муҳаббати тарихи ҳамда болалик ва ёшлик йилларини тасвирлашни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган эди" [4. Б. 70]. Айтиш мумкинки, Ойбек Навоий характерининг шаклланиш босқичларини кўрсатишни мақсад қилиб олмаган: "Асарда қаҳрамон характернинг шаклланиши мукаммал берилмайди. Ёзувчи бу ҳақда баъзи бир изоҳлар бериш ёки қисқа мулоҳазалар юритиш билан чекланади, холос" [7. Б. 65]. Ойбекдан фарқли ўлароқ, Исажон Султон ўз асарида Навоийнинг бутун ҳаётини қамраб олади. Албатта, бунинг ўзига яраша жиддий сабаблари бор. Биринчидан, Навоий 18 ёшга қадар шоир сифатида Моваройуннаҳр ва Хуросонда машҳур бўлиб улгурган эди. Демак, Навоийнинг тарихий шахс сифатидаги яхлит қиёфасини яратишда унинг болалик ва ўспиринлик чоғидаги ҳаётини тасвирлаш, шоир сифатида камол топишига таъсир этган асосий омилларни шу даврдан излаш эҳтиёжи бор. Қолаверса, ҳозирги дунё харитаси нуқтаи назаридан қаралганда, Навоийнинг айни ўсмирлик даври Ўзбекистон билан чамбарчас боғлиқ. Бу даврда Навоий Самарқандда яшаб ижод қилади ва таҳсил олади.

Исажон Султон Навоийнинг болалик ва ўсмирлик даврини тасвирлаш орқали яна бир қўшимча имкониятга эришади. Бу Навоийни камол топтирган олиму фузалолар, шоир билим олган даргоҳлар, умуман, ўрта асрлар таълим тизими ҳақида атрофлича маълумот бериш, мазкур жараёнларни бадиий тасвирлаш имконияти эди. Зеро, Навоийнинг ғазал мулки султони, буюк мутафаккир бўлиб етишиш босқичларини ҳаққоний кўрсатиб бериш учун таълим омили жуда ҳам муҳим эди.

Романда Навоийнинг илк устози – Абу Абдуллоҳ Кулоҳийнинг дарслари жуда жонли тасвирланган бўлиб, бунда ёзувчи муайян бадиий-ғоявий мақсадни кўзлайди. Кулоҳий толибларига Қуръон, ҳандаса, абёту назмдан таълим бераркан, бир дарсда сўз ҳақида маъруза қилади. Маърузада сўзнинг илоҳий қудрати, вазифаси, маъно қирралари ҳақида айтиб, жаҳон тилларига алоҳида тўхталиб ўтади. У араб тилига таъриф бераркан, *"... фасоҳат ва балоғат сайқали билан зийнатланган бўлиб, Тангри таолонинг каломи шу тилда нозил бўлди. У тилнинг мукаммаллигига шубҳа йўқдир*" [6. Б. 27], дейди. Бироқ бошқа тилларнинг мавжуд эканида ҳам катта ҳикмат борлигини эслатади: *"... Тангри азза ва жалла халқларни ва тилларни яратганининг ҳикмати ҳам бор. Яъни, ўзига ўша тил ила ҳамд айтилмоғини ирода айлади*" [6. Б. 28]. Мавлоно Кулоҳий толибларига туркий тилнинг мақомини кўрсатиб "... туркча, форсча ва ҳиндча – асл тилларнинг манбаидир" [6. Б. 28], дейди. Сўнг туркча сўзлардан мисоллар келтириб, мазкур тилнинг нақадар муҳташам эканини кўрсатиб беради. Айтганларининг далили сифатида Фаридуддин Аттордан бир ғазал келтириб уни шарҳлаб беради. Ғазални тинглаган толиблар туркий тилнинг жозибасига маҳлиё бўлиб, маънолар уммонига шўнғиб кетади. Навоийни туркий тилда ижод этишга ундаган илк омиллар романда ана шундай ифодаланади.

Ҳижрий 846 йилда Алишер Навоий Самарқандга кўчиб ўтади. Романда Самарқанд Навоийнинг ижодий-маънавий ҳаётида туб

бурилиш ясаган маскан ўлароқ тасвирланади. Муаллифнинг бу мақсадини самарқандлик олим Фазлуллоҳ Абулайснинг Навоийга айтган мана бу сўзлари билан далиллаш мумкин: “Сиз энди Самарқандда уламо суҳбатида бўлинг, керакли илмларни ўрганинг, Самарқанд сизнинг тақдирингизда илм булоғи бўлиб қолсин” [6. Б. 147].

Алишер Навоий Самарқанддаги Қозизода Румий мадрасасида таҳсил олиб, муддаррислардан фиқҳ, тарих, ҳандаса, илми нужумга доир жуда қимматли билимларни ўзлаштиради. Айниқса, Фазлуллоҳ Абулайс билан бўлиб ўтган суҳбатлар Навоийга катта маънавий озуқа бўлади. Зеро, мавлоно Абулайс Навоийга “эътиқод сирлари”дан сабоқ беради: “Мадраса дарслари ва Фазлуллоҳ Абулайс суҳбатлари Алишер ўй-фикрини беҳад кенгайтириб, шу хулосага олиб келди: нафақат ер юзи, балки Коинот ҳам тенги йўқ қудрат кўргазмасидир, унинг ҳақиқатлари эса илм туфайли маълум бўлгай. Ҳар дам, ҳар нафасда бир савоб ҳосил қилишга саъй қилингайдир, савоб эса ниятдан пайдо бўлиши маълум” [6. Б. 146]. Суҳбатларнинг бирида Алишер “Менга сўфийлар борасида ҳам сўз айтсангиз” дея мавлоно Абулайсга мурожаат этади. Мавлоно “сўфий” сўзининг луғавий маъносини Абу Райҳон Беруний, Абул Фатҳ Бутий изоҳлари билан тушунтиришга ҳаракат қилади. Сўнг эътиқод, ибодат масалаларида фикр юритиб, Хўжа Аҳрор валийнинг сўзларидан иқтибос келтиради. Романда мавлоно Абулайс билан бўлган суҳбатлар Навоийнинг тариқатдаги йўлини белгилаб олишида муҳим аҳамият касб этган омил сифатида урғуланади: “Сиз авлиёуллоҳ йўлини тавсия қилдингиз!” дейди Навоий мавлононинг суҳбатидан хулоса чиқарар экан.

Навоий самарқандлик яна бир етук олим мавлоно Ризо Афзал қўлида фиқҳдан сабоқ олади. Бир дарсда мавлоно илми нужумнинг ҳалоллигини Қуръони Карим оятлари билан исботлаб бераркан, фалакиёт илмининг афзалликларига тўхталади. Беруний, Мирзо Улуғбек тадқиқотларидан мисоллар келтиради. Романда муаллиф шу тарзда Навоий ижодида алоҳида ўрин тутган осмон жисмларининг бадиий талқинини Самарқанддаги сабоқлар билан боғлашга уринади.

Мавлоно Хожа Мислий эса Навоийга тарихдан дарс беради. Бу олимга таъриф бериларкан, “мусулмон ва маъжусий тарихининг тенги йўқ билимдони бўлиб чиқди”, дейилади романда. Хожа Мислий дарс ўтаркан, “...турфа улусларнинг эътиқоди, урф-одатлари, қавмларнинг қалқишини ва таназзули ҳақида шунчалар жонли ва ҳаққоний ҳикоялар сўзлаб бердики! Арастунинг “Тарих”, Абу Райҳоннинг “Осору-л-боқия” ва ибн Касирнинг “Ал-бидоя ва-н-ниҳоя” китобларини бир-бирига қиёслаб, толиблар тасаввурини то Одам Ато замонасига қадар етказди” [6. Б. 155]. Айтиш мумкинки, Исажон Султон Хожа Мислий тимсолида Навоий ижодидаги тарихий воқеалар, шахслар, афсона ва асотирларнинг гўзал бадиий ифодасига манба бўлган шахсни кўради. Ёзувчининг мазкур ижодий мақсадини асардаги мана бу гапларда яққол кўриш мумкин: “Ҳар ҳолда, Хожа Мислий ушбу ҳикматларнинг абётга муҳрланишини ва санъат либосига ўранишини жуда истарди. Шу сабабли, даврада Навоий бўлган кезлари шоён берилиб, севиниб дарс ўтарди” [6. Б. 155].

Улуғ шахсларнинг миллатлар ўртасида талаш бўлиши табиий ҳол. Алишер Навоий сиймоси ҳақида гап борганда ҳам бутун туркий халқлар бу мутафаккирни ўз тарихи билан боғлашга уринади. Исажон Султоннинг маҳорати шундаки, у ҳазрат Навоийнинг камолотга чиқишида, етук ижодкор ва олим, мутасаввуф бўлиб етишишида Самарқандда эгаллаган билимларининг аҳамиятини юқори ўринга олиб чиқади. Мазкур воқелик асарда ҳаққоний, зўраки талқинларсиз тасвирланадики, бу ўзбек ўқувчисида ифтихор туйғуларини уйғотмай қўймайди.

Исажон Султон Навоий образини, умуман, романдаги бошқа тарихий шахслар образини яратиш масаласига жуда эҳтиёткорлик билан ёндашади. Имкон қадар тўқима образлар, тўқима воқелик яратишдан чекинади. Бу ҳақда мунаққид Баҳодир Каримов шундай ёзади: “Бадиий сўз санъатида ийжоз мақоми – кам сўз билан кўп маънолар англатиш санъати қадрланади. Ўйламай айтилган ёки ёзилган

ортиқча сўз офат келтиради. Тўқима образлар таърифида бадиият қоидалари ўз вазифасини бажаради, кўпинча характер мантиғига мос тарзда уларнинг хатти-ҳаракатларини бадиий ғоя ифодаси томон буриш ҳам мумкин. Аммо тарихий шахслар қисматини муаллиф жуда эҳтиёт бўлиб, билиб, ўрганиб, уларга рўбарў бўлишдаги ҳисоб-китобини ўйлаб ёзади ва жуда тўғри қилади" [8. Б. 4]. Исажон Султон тарихий воқеликни бўрттириб, сиёсий интригалар қўшиб, бош қаҳрамонни сюжетнинг турли зиддиятларида "синов"дан ўтказиши, унинг характер қирраларини янада кенгроқ очиб бериши мумкин эди. Бироқ ёзувчи бундай қилмайди. Бадиий воқеликни яратишда фақат тарихий манбаларда кўрсатилган, энг ишончли фактларгагина таянади. Бизнингча, адиб Навоийдек улуғ мутафаккир, авлиё зотга ҳурмат ва эҳтиром юзасидан бундай "интрига"лардан тийилади. Бу эса асарнинг камчилиги эмас, балки фазилатидир.

Исажон Султоннинг Навоийга бўлган эҳтироми романдаги "муҳаббат" мавзуси талқинида ҳам яққол кўзга ташланади. Шу ўринда яна Ойбекка қайтамиз. Буюк адиб ҳам ўз романида Навоийнинг "муҳаббат тарихи" ҳақида тўхталмайди. Романда бу масаланинг бошқа бир ечимини топади: "...асарда бош қаҳрамоннинг муҳаббати тарихини эмас, балки Султонмурод билан Дилдорнинг – иккинчи режадаги қаҳрамонларнинг муҳаббатини тасвир этди ва китобхондаги руҳий эҳтиёжни шундай йўл билан қондирди. Айни пайтда бу муҳаббат чизиғини романдаги асосий воқеалар тизмаси билан узвий равишда боғлай билди" [4. Б. 69]. Исажон Султон эса "Алишер Навоий" романида ишқий линия яратмайди. Бу ҳақида оғиз очилганда, гўзал ахлоқ, андиша билан "изоҳ" берилади ва мавзу бутунлай ёпилади: *"Тавба, – деди Мажидиддин бир оз жимликдан сўнг, ҳар ишни сақич каби чайнашни хуш кўрадиганлардан аччиқланиб: – Кишиларга қиладиган иш қолмабдими, бировнинг бировга майли бор йўқлигини суриштиргайлар? Модомики сўз канизагу жориялар ҳақида эмас, даражотда тенг никоҳ, яъни ўта маҳрам мавзуда бўлса, ақлли киши буни қандоқ муҳокама қилсин?"* [6. Б. 239]

"Алишер Навоий" романида ёзувчи Навоийнинг ижодий оламини тафтиш этишга, мутафаккирнинг ижод лаҳзаларини бадиий талқин қилишга алоҳида эътибор қаратади. Адиб Навоийнинг илҳом палласидаги маънавий оламини, ўй-хаёлларини унинг маҳобатига мос равишда тасвирлашга, шу йўл билан ўқувчини Навоий оламига олиб киришга, уни англатишга, тушунтиришга ҳаракат қилади: "Кеча-кундузнинг алмашиши, қуёш чиқиб ботиши, ойнинг ҳилолдан бадрга қадар ўзгаришлари сезилмасди. Маънолар олами унинг руҳини ўзига тўла сингдириб олди. У олам инсонликнинг энг олий чўққилари сари чорларди" [6. Б. 270]. Навоийнинг "Хамса"ни ёзиш чоғидаги ҳолат эса бундай тасвирланади. "Кеча қоронғусида шам шуъласига ғарқ бўлган хона гўё беҳад кенгайиб кетгандай, бу ерда турфа воқеалар рўй берарди. Қушлар инсон тилида сўзлар, кўк узра сузган қуёш ўз тақдиридан ҳикоя қилар, Кўҳи Қоф ортидан мўралаган яъжуж-маъжужлару уларга қарши бораётган имон лашкари ўз мазмунидан сўзлар..." [6. Б. 270]. Асардаги бу тасвирлар ўқувчи хаёлотини кенгайтириб, ижод онларида гўё бутун коинот билан қовушиб, оламни турли ўлчамларда кўра бошлаган улуғ мутафаккирнинг руҳият дунёсига кириб бориш имконини беради.

Яна бир муҳим жиҳат, асарда Навоий ижодидаги муайян асарнинг яратилишига туртки бўлган ижтимоий, руҳий омилларни кўрсатиб беришга уриниш кучли. Бу эса Навоий ижодини биографик нуқтаи назардан "бадиий тадқиқ" этиш бўлиб, ўқувчи бу талқиндан сўнг шоир ижодини нисбатан яхшироқ тушуна бошлайди. Масалан, ўспиринлик чоғида Алишер тағойиси билан лола сайлига чиқади. Улар тоғда тош кесаётган ёш сангойи йигитни учратиб қолишади. Йигит қоятошни йўниб водийга сув чиқариш илинжида меҳнат қилаётган эди. Алишерга йигитнинг машғулоти жуда қизиқ туйилиб уни суҳбатга чорлайди:

"Исмингиз не? – деб сўради Алишер. Норғул, содда бу йигитнинг иштиёқи унга хуш келган эди.

– Хусрав, – деди йигит. Суҳбатдошининг ҳайрон бўлиб қараганини кўриб, изоҳ бер-

*ди: – Ажабландингизми? Отам кўп китоб ўқийдилар. Хусрав Деҳлавий деган шоирнинг "*Хамса*"*сини ўқиб, ҳавас қилиб, менга шу отни қўйган эканлар.

*– У ҳолда, бу арода Ширин ҳам бўлгайдир, – деди Алишер ҳам, "*Хамса*»"*и эслаб.

– Айтсам инонмайсиз, бироқ улусда ростдан ҳам Ширин деган бир қиз бор" [6. Б. 28].

Алишер сангойи йигит билан бир муддат суҳбат қуради. Кетиш чоғида йигитга бир қанча тилла танга ҳадя қилади. Бу ҳузурбахш суҳбат Навоий қалбидан бир умрга жой олади. У қачонки "Фарҳод ва Ширин" достонини ёзишга киришаркан, хаёлан сангойи йигитни ва унинг Ширинга бўлган муҳаббатини жонлантиради. Сангойи йигитнинг қалб ҳарорати заррадек бўлса-да, Фарҳод образига кўчиб ўтади.

Исажон Султон айрим ўринларда Фарҳод ва Мажнуннинг ўй-хаёллари, кечинмаларини Навоий шахсияти билан ҳам боғлашга уринади. Айниқса, "Хамса"даги икки қаҳрамоннинг ўз ота-онаси учун чеккан изтироблари Навоийнинг қалб жароҳатлари билан уйғунлаштирилгани асарда жуда ҳам жонли, таъсирли чиққан. Зеро, Алишер ҳам ота-онасидан эрта етим қолади. Ота-онасининг фожиали вафоти, улар билан видолаша олмагани Навоийнинг бир умрлик фиғони эди: "Язд чўлида*"* онайизорининг этакларига ўралаша-ўралаша, юзидан пардаси учиб, *"*Қўзим!*"* дея йиғлаб чопиб келганларини қалам қисмат қоғозига шундай нақшлади: *"... Сўнг ажал ўз ўқини Фарҳоднинг жонига урди. У ўз умрининг тугаб бораётганини тушуниб, отасини ёдлади ва бир совуқ оҳ тортиб қўйди. Онаси кўз олдига келар экан, кўзидан иккита қонли ирмоқ очилгандай бўлди*" [6. Б. 275]. Ёки Мажнуннинг ота-онаси қабрига бориб қилган фарёди Навоийнинг ўз оҳу-зори эди: "Онаизор қабрига келиб тўхтагач, фарёд-фиғонлари оламга сиғмай кетди. Ёқа ўрнига кўксини чок қилиб, юрагига раҳмсиз тиғлар урди. Кўз ёшининг селидан ерлар денгизга айланиб, қабрлари балиқлар каби кўринди" [6. Б. 273].

Исажон Султон навоийшуносликдаги сўнгги тадқиқотлар, янги тарихий манбаларга асосланиб "Навоийнинг Астрободга сургун қилиниши" масаласига ҳам ойдинлик киритади. Ойбек ўзининг Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқотларида буни "марказдан узоқлаштириш" деб айтайди: "Ҳусайн Байқаро бошида бир савол туғилади. Маждиддинми, Мир Алишерми? Маждиддинни юқори даражага кўтармоқ учун Мир Алишерни марказдан узоқлаштириш лозим эди. Султон Ҳусайн шоирни Астрободга жўнатиб, Маждиддин учун мансабга йўл очади" [9. Б. 20]. "Навоий" романида Султон Ҳусайннинг бундай қарорга келишида Маждиддиннинг қандай роль ўйнагани маҳорат билан тасвирланади [10. Б. 290–300]. Исажон Султон эса ўз асарида Навоийнинг Хуросон жанубидаги Астробод вилоятига ҳоким этиб тайинланишида уни Ҳиротдан узоқлаштириш, "сургун" қилиш мақсади бўлмаганини кўрсатиб берган. Яъни Ҳусай Байқаро шу йўл билан жанубда тобора кучайиб келаётган сафавийларга қарши муносиб ҳимоя ўрнатишни, бунда Навоийнинг мавқеи, кучли сиёсатдонлик маҳоратидан фойдаланишни кўзлайди. Романнинг бу бобида Навоийнинг нақадар ўткир сиёсатчи, одил, ташаббускор раҳбар бўлгани ҳам очиб берилади.

Юқорида қайт этганимиздек, давр ўтиши билан тарихий воқеликка, тарихий шахсларга бошқа ракурслардан қарашга, бадиий талқин қилишга бўлган эҳтиёж табиий равишда юзага келаверади. Шу маънода, Исажон Султоннинг "Алишер Навоий" романи нафақат Навоий ҳақидаги тасаввурларимизни, балки беш аср наридаги тарих ҳақидаги билимларимизни ҳам бойитади. Асар том маънода янги авлод меваси. У униб-ўсиб келаётган янги авлод учун Навоийни англашда, ижодини тушунишда, буюк мутафаккир билан юзлашишда муҳим манба бўлиб қолади деган умиддамиз.

Адабиётлар:

1. *Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М.* Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – 402 б.

2. *Қўшжонов М.* Ойбек // Жаҳон адабиёти, 2005. – №1. – Б. 19–22.
3. *Шарафиддинов О.* Миллатни уйғотган адиб // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2004 йил 3 ноябрь.
4. *Каримов Н.* Ойбек чўққиси // Жаҳон адабиёти, 2004. – № 12. – Б. 65–72.
5. *Ойбек.* Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 6-жилд. – Тошкент: Фан, 1976. – 724 б.
6. *Султон И.* Алишер Навоий. – Тошкент: Адабиёт, 2021. – 512 б.
7. *Насруллаев Э.* Ойбекнинг “Навоий” романи талқинлари юзасидан мулоҳазалар // Tafakkur ziyosi, 2018. – № 2. – Б. 62–65.
8. *Каримов Б.* Ҳазрат Алишер Навоийга эҳтиром // Янги Ўзбекистон, 2021 йил 10 август.
9. *Ойбек.* Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 13-жилд. – Тошкент: Фан, 1976. – 512 б.
10. *Ойбек.* Навоий. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 494 б.

THE CONCEPT OF A HISTORICAL MAN IN THE NOVEL “ALISHER NAVOI

S.D. Quronov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2021. 5(57). 104-112.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: historical novel, historical personality, fictional character, concept of historical personality, artistic thinking, creative idea, protagonist.

In the historical novel, the author promotes the concept of the historical person through his protagonists. That is, the creator explores the psyche of the historical figure in his artistic interpretation on the way of knowing the world, looking at its difficult fate. He explores the world through this historical figure. He promotes social, economic, political, cultural, and philosophical views. Therefore, when evaluating a historical work, it is not taken into account how realistically the author revived the past, but how he artistically contemplated historical reality. This means that different artists can interpret historical reality in different ways, creating a different artistic concept based on the example of one historical person.

The image of the great poet, thinker, statesman Alisher Navoi, who lived and worked in the 15th century, was repeatedly interpreted by Uzbek writers in the past century. Oybek’s novel “Navoi” (1944), the story “Bola Alisher” and the epic “Guli and Navoi” (1968), the drama of Uygun and Izzat Sultan “Alisher Navoi” (1945). The image of Navoi was interpreted in the center of historical and social life. Among these works Oybek’s novel “Navoi” described the image of Navoi’s personality relatively better. However, this work was written almost eighty years ago, and over time, social conditions, systems, literary and aesthetic views and even history itself have been updated.

There is already a need for an artistic rethinking of the image of Alisher Navoi in our national literature. Isajon Sultan’s novel “Alisher Navoi” was born as a result of this common aesthetic need, which is intensified in our literary and cultural life.

Isajon Sultan does not follow the path that contradicts Oybek’s interpretation when creating the image of Navoi. On the contrary, he is trying to show some aspects that Oybek could not express due to ideological pressure. In this case, Isajon Sultan creates a relatively complete artistic concept of the image of the thinker.

If Oybek emphasized the humane and patriotic qualities of Alisher Navoi when creating the concept of a historical personality, then Isajon Sultan tries to explore more the creative and spiritual world of the thinker. He writes more about the spiritual world

of Navoi, experiences, thoughts, harmony, values as a person, faith, morality. Isajon Sultan tries to show the path and status of the creator in Sufism, in general, the quality of holiness, interpreting the life and work of Navoi from a religious point of view. Based on the latest research work, historical sources identified during the years of independence, he puts forward a different interpretation of some historical figures and events.

The article examines the similarities and differences between the novels of Oybek and Isajon Sultan, the approach of writers to the creation of the concept of a historical personality, creative and ideological goal.

References:

1. Quronov, D., Mamajonov, Z., Sheraliyeva, M. (2010). *Adabiyotshunoslik lug‘ati* [Dictionary of literary criticism]. Tashkent: Akademnashr.

2. Qoshjonov, M. (2005). Oybek [Oybek]. *Jahon adabiyoti*. No 1. Pp. 19-22.

3. Sharafiddinov, O. (2004). Millatni uyg‘otgan adib [The writer who awakened the nation].O‘zbekiston adabiyoti va san’ati. November 3.

4. Karimov, N. (2004). Oybek cho‘qqisi [Oybek peak]. *Jahon adabiyoti*. No 12. Pp. 65-72.

5. Oybek. (1976). *Mukammal asarlar to‘plami* [A complete collection of works]. 20 volumes. Vol.6. Tashkent: Fan.

6. Sulton, I. (2021). *Alisher Navoiy* [Alisher Navoi]. Tashkent: Adabiyot.

7. Nasrullayev, E. (2008). Oybekning “Navoiy” romani talqinlari yuzasidan mulohazalar [Comments on the interpretation of Oybek’s novel “Navoi”]. *Tafakkur ziyosi*. No 2. Pp. 62-65.

8. Karimov, B. (2021). Hazrat Alisher Navoiyga ehtirom [Respect for Hazrat Alisher Navoi]. *Literature and art of Uzbekistan*. August 10.

9. Oybek. (1976). *Mukammal asarlar to‘plami* [A complete collection of works]. 20 volumes. Vol. 6. Tashkent: Fan.

10. Oybek. (2014). *Navoiy* [Navoi]. Tashkent: Shark.

Муаллиф ҳақида маълумот::

ҚУРОНОВ Саъдулло Дилмуродович – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Андижон давлат университети докторанти. E-mail: quronov@gmail.com